



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 22 март, №65 (3177)

Шанба

НАВРЎЗ — УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ



Президент Ислам Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Бугун ўлкамизда кутлуг айём. Баҳор нафаси, янгиланиш, уйғониш руҳи тобора кучайиб, юртимизга кириб келмоқда.

Бугун гўзал водий ва воҳаларимизда, шаҳар ва қишлоқларимизда ёшувари — барча юртдошларимиз доимо орзиқиб кутадиган Наврўзи оламга пешвоз чиқмоқда. Бугун халқимиз ўзининг эркин ва озод ҳаётида Наврўз айёмини ўн иккинчи бор шоду хуррамлик билан байрам қилмоқда. Ушбу байрам тонгида мен мана шу муҳташам саройда жамулам бўлиб ўтирган сиз азизларни, сизларнинг тимсолнингизда: табаррук отадаримиз ва мунис оналаримизни, муҳтарам опа-сингилларимиз, ака-укаларимизни, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларимизни, баҳордай очилиб бораётган сулув қизларимизни, ёруғ оламга ҳайрат кўзи билан боқиб турган жажжи набираларимизни — бутун Ўзбекистон халқини Наврўз шодиёнаси билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган ҳурматли меҳмонларимиз — хоржий давлатларнинг элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларини, байрам томошаларини дунёга намойиш этаётган чет эл ахборот воситаларининг ходимларини халқимиз номидан кутлаб, “Наврўзимизга хуш келибсиз!” деб айтишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар! Дунёда турли байрам ва айёмлар, тарихий саналар кўп. Уларнинг барчаси маъно-маъмуни ва моҳиятига қараб ўз ўрни ва аҳамиятига эга.

Лекин, ҳеч шубҳа йўқки, ер юзиде энг қадимий, шу билан бирга, энг навқирон айём бўлган Наврўз нафақат бизнинг минтақамизда, балки бутун Шарқ оламида катта шодиёна билан нишонланганидан гўзал байрамдир.

Бу ёруғ оламда чархи даврон айланар экан, табнатда тўрт фасл такрор ва такрор алмашиб келаверади. Ҳар бир фаслнинг ўзига хос зийнати, ўз фазилати бор. Аммо уларнинг ичида баҳор, Наврўз фаслининг шукӯҳи, файзу таровати ўзгача.

Бу дилбар фаслда борлиқнинг уйғониши, жамикти тирик жоннинг ҳаракатга кириши билан одамнинг юрагиде ҳам янги-янги орзу ва интилишлар, шодлик ва қувонч, севаги ва ҳаётга муҳаббат ҳислари уйғонади.

Табиатнинг ўзи бамисоли она каби бағрини очиб, ўз фарзандлари бўлиши инсонларга меҳр улашади, барчани эзгулик ва яхшиликка чорлайди.

Баҳорнинг келиши одам зотиға Аллоҳ берган умрининг кўп-кўп сирларини аниқлаш, ўз бахтини ўз қўли билан қуриш, ҳаёт ва табиатнинг нафосати ва неъматларидан баҳра олиш учун дунёга келганини яна ва яна бир бор эслатади, бу ҳақиқатни беихтиёр ҳаёлимизга солади.

Шу маънода, ёрдамга муҳтож бўлганларга муруват кўрсатиш, ҳамдард бўлиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг пешонасини силлаш каби олижаноб фазилатларнинг ҳаётимиздаги таъсирини янада кучайтириш, бутун қийинчилик ва еттиш-

мовчиликларни бошдан кечириётган ҳеч бир одамни эғиборсиз қолдирмаслик — барча-барчамиз, аввало, катта-кичик раҳбар ва мансабдорлар учун ҳам қарз, ҳам фарз эканини унутмаслигимиз айни муқддо бўлув эди.

Лунда қилиб айтганда, юртимизда ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам ёлғиз бўлиб қолмаслиги, унинг оғирини енгил қилишда давлатимиз ва жамиятимиз бундан буён ҳам маддакор бўлиши шарт.

Азиз дўстлар, биродарлар! Юртимизга Наврўзи олам кириб келишини очиб қалбимиз, пок орзу-умидлар билан кутлар эканмиз, биз бугунги но-тинч дунёда буюк мақсадларимиз сари олиб борадиган йўлимизда кўп-кўп мураккаб муаммолар, синов ва қийинчиликлар дуч келиши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Айниқса, бугун узоқ ва яқин атрофимизда содир бўлаётган ҳавфли воқеаларни сезгирлик ва ҳушёрлик билан кузатишимиз, халқаро терроризм ва унинг ҳар қандай кўринишларига, оммавий қирғин қуролиларини ишлатишга тайёр бўлган қабих ниятларга қарши сертаклик билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Жаҳондаги ҳозирги вазият барчамиздан оғоҳ бўлишни, кечати Афғонистон можаросини ечишда ким қандай сиёсат олиб боргани, кимларнинг, қандай буюк давлатларнинг ҳаракатлари ҳақиқатда юртимизнинг хавфсизлигини таъминлашга, жанубий сарҳадларимиз остонасидан ёвуз кучларни олиб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшгани ҳақида тўғри хулоса чиқаришни бугун ҳар биримиздан ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мана шундай ҳолатларда ташқи ва ички сиёсатимизни тўғри ва оқилона олиб бориш нафақат бугунги манфаатларимизни, балки Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини, узоқ эзгу мақсадларимизни кўлаб йўл танилашимизни талаб қилади. Ва бу борда, аввало, ўзимизнинг куч ва салоҳиятимизга, қўшни давлат ва халқларнинг бирдамлигига, стратегик шерикларимиз билан бирга, уларнинг қудрати ва кўмаги суянган ҳолда келажагимизни кўрмоғимиз даркор.

Хурматли юртдошлар! Буюк шоиримиз Алишер Навоий таъбири билан айтганда, Наврўз фаслида дехқон ер ҳайдаб, уруғ сочалаи ва шу тариқа эл-юрт учун ризқ-насиба йўлини очади.


Азиз дўстлар, биродарлар, келинг, бугун — янги масеум арафасида эл-юртимизни боқадиган дехқонларимизга, барча меҳнатчиларимизга дилимиздаги самимий тиллақларимизни изҳор этайлик: ҳаминша бахт ва омаднингизни берсин, ҳосилингиз мўл бўлиб, хирмонингиз тўлсин, кўнгилларингиз тўқ бўлсин.

Ҳар бирингизнинг касб-корингизга, рўзгорингизга, умрингизга барака ито этсин. Мана шундай хурсандчилик билан бошланаётган янги йилимиз юртимизга тинчлик, бахту саодат, ободлик ва фаровонлик олиб келсин.

Хонадонларимиздан кут-барака аримасин. Қарияларимизнинг умрлари узоқ, эзгу дуолари ижобат бўлсин.

Фарзандларимизнинг камолдини, иқболлини берсин. Наврўз байрами барчамизга муборак бўлсин!

Кўклам офтобининг заррин нурларидан баҳра олиб, ям-яшил майсалар, ранг-баранг гул-чечаклар билан безанган она-заминимизга эзгулик ва бунёдкорлик айёми — Наврўз кириб келди. Шу ёруғ кунларда баҳорнинг илоҳий нафасидан табиат уйғониб, олам яшариб, борлиқ янгиланиши мисолида теварак-атрофимизда Наврўз руҳи, айниқса, тугал намоён бўлмоқда.



Наврўзи оламнинг беқиёс файзу тароватига монанд она Ўзбекистон гул ва кўркамлик тимсолидаги ўзгача кўрку фусунга бурканди, Ватанимиз жаннатмонанд гўшага айланди.

Наврўз — янги кун, демакдир. Наврўз — азал-азалдан ажодларимиз йилбоши деб қадрлаб, асрлар давомида эъзоз билан нишонлаган, халқимизнинг онгу шуурига, руҳиятига, бутун ҳаётига беқиёс таъсир ўтказиб келаётган ўзига хос, кутлуг ва хосиятли айём.

Ушбу энг қадимий, гоят ардоқли байрамимиз бизнинг дорилмомон замонда тобора янги руҳ ва янгича мазмун касб этиб бормоқда.

Бободоҳқон яхши ғият билан ерга яна уруғ қадашга киришиди. Кут-барака элчиси — Наврўз шукӯҳидан барчанинг чехрасида яшариш, янгилашиш, бунёдкорлик кайфияти барқ уради. Дош-қозонларда сумалак, ҳалим қайнайди, кўклам таомларининг исидимоқни қитқилайди.

Шаҳар ва қишлоқларда, бепоен дашту далалар ва қир-адирлар бағрида, чаманзорга айланган боғ-роғлару гўзал хиёбонларда, бутун юртимизда яшаётган ватандошларимиз миллати, тили ва динидан қатъи назар, бирдек аҳил ва ҳамжихат бўлиб, Наврўзни баҳор ва хурсандчилик байрами сифатида нишонлаётди.

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда энг улуг ва энг азиз айёмлар, жумладан, Наврўз шодиёналарининг азим пойтахтимизнинг сўлим масканларидаги улкан театрлаштирилган томошалар билан бошланиши хайрли анъанага айланган.

Наврўз шодиёналари муносабати билан Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт мажмуининг барча катта-кичик иншоотлари, саҳни, боғ-боғчасио йўл-йўлаклари байрамона безатилган. Мажмуининг улкан зали маланият ва саныат аҳли билан гавжум. Ҳофизлар, раққослар, дорбозлар, полвонлар, цирк артистлари, хунарманду усталар, чеварлар ўз маҳоратини намойиш этишга шай.

Бу ерга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоатчилиги, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф бурюрган. Соат 10.00. Залга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келади. Мамлакатимиз раҳбарини байрам аҳли қарсақлар билан кутиб олади.

Байрам тантаналаридан дарақ берувчи чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиз халқини, меҳмонларни умрбоқий, файзли ва шукӯҳли айём — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Саҳна узра Наврўздан дарақ бериб майин наво таралади. Сарин куй оғушида кўз ўнгимизда

кўкламнинг ажиб манзаралари намоён бўлади, турфа гуллар юз очади, булбуллар хониш қилади. Фасли баҳор ғамзалари, қушлар чугур-чугури, сувлар жилдираши билан табиатнинг уйғониш палласини мадҳ этувчи жонбахш мусиқий оҳанглар уйғунлашиб кетади.

Жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлайди...

Наврўз — бунёдкорлик фасли. Юртимизда Наврўздан Наврўзгача, яъни йил давомида кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Утган йили мамлакатимизда 56 та ишлаб чиқариш объекти ишга туширилган бўлса, улардан 15 таси йирик корхона ва иншоотлардир. Бир-биридан ҳашаматли коллежу лицейлар, турар-жойлар, спорт иншоотлари, улкан кўприклар, равон йўллар қурилди, боғу роғлар, хиёбонлар барпо этилди.

Шундай бунёдкорлик салоҳияти дарёдек жўш урган халққа, албатта, байрам ярашади! Ватанимиз барча жабҳаларда эришаётган оламшумул зафарларни эса қанча тараннум этсак арийдил!

Саҳнага миллатимиз давомчилари, келажагимиз эгалари — болакайлар кириб келади. Кичкинтойлар ўзларининг шўх-хандон кўшиқ-рақслари билан болалик оламининг гўзал ва бахтиёр онларини мадҳ этади. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, соғлом авлод ораси — ажодларимиздан бизга ўриб келаётган, қон-қони-


мизга сингиб кетган муқаддас интилиш, муътабар орзудир.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртининг фарзандлари соғлом бўлур. Давлатимиз раҳбарининг ана шу гоёсини ҳаётга татбиқ этиш йўлида ўтган даврда соғлом авлод тарбияси энг устувор вазифа деб белгиланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Барча саъй-ҳаракатларимиз соғлом наслини, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-этиқоли бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодларни тарбиялаб вояга етказишга қаратилган.

Жисми жонимизни орзиқтириб таралаётган ҳаётбахш мумтоз наволар муътабар зотлар — миннатдор ажодларимизнинг миллат иқболи, авлодлар шижоати, ижоди ва бунёдкорлиги шарафига ёдидираётган олқишларига, байрам муборакбодига менгзайди гўё.

Ҳа, мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамоллигида улуг ажодларимизнинг табаррук номларини тиклаш ва абадийлаштириш, буюк алломаларимизнинг таваллуд саналарини дунё миқёсида нишонлаш, уларнинг мустаҳаббид замонда оёқости бўлиб қолган мангу масканларини чинакам зиёратгоҳларга айлантириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилятир.

(Давоми 2-бетда.)



Хазораспнинг чеварлари қувонди

Наврўз байрами арафасида нафақат Хоразм вилоятининг бутунги иқтисодий салоҳиятини оширадиган, балки яқин келажақда кўпгина ижтимоий дастурларнинг бажарилишига таъсир қиладиган воқеа рўй берди. Бу ерда хоржий ҳамкорлар билан яна бир қўшма корхона — Хазорасп туманидаги “Унико” масъулияти чекланган жамият фойдаланишига топширилди.

Корхона лойиҳа қувватига етиб ишлаб бошлагач, ҳар йили маҳаллий пахта толасидан ташқи бозорда

рақобатбардош 3,5 минг тонна ип ишлаб чиқаради. Ҳозирдаёқ бу ердаги замонавий ускуналарда 200 нафардан ортиқ йигит ва қиз меҳнат қилмоқда.

Корхонада жорий йил охиригача қарий 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган, унинг камида 80 фоизи экспортга жўнатилади ва бундан 2 миллион АҚШ доллари миқдорда даромад олинади. Бу эса республика ва маҳаллий бюджетга анча маблағ тушади демакдир.

Т. ШАМАКОВ,
Уза муҳбири.

ААЛО, СИЗНИ «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТАИГИ БОШ ДИРЕКТОРИ ЭШИТАДИ!

• Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятидаги камчилик ва ютуқлар, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан яна қандай меъдрий-ҳуқуқий хужжатлар зарур?
• Республикаимизда қайси тоифадаги фуқароларга уй-жой фондиди сақлаш ва коммунал тўловлар бўйича имтиёзлар берилган?
• Шахсий уй-жойларга газ улчиш мосламаларини ўрнатиш тартиби ва жараённинг бориши билан боғлиқ масалалар.
• Хуллас, мамлакатимизда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар ва бозор муносабатларининг гоят муҳим устувор йўналишлари бўйича шу йил 26 март куни соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон “Ўзкоммунизмат” агентлиги Бош директори Ўткир Очлович ХОЛМУХАМЕДОВ билан 132-25-37 ва 35-80-54 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиш имконига эга бўласиз. Агар саволларини олдиндан бермоқчи бўлсангиз (8-371) 132-10-65, 136-09-67 телефонларини ёки (8-371) 136-37-85 факси орқали мурожаат этишингиз мумкин. Интернетдаги манзилимиз: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

НАВРЎЗ – УЙҒОНИШ ВА ЯНГИЛАНИШ РАМЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кутдуг заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун жаҳон аҳли катта эҳтиром билан тилга оладиган пири комил мутафаккирларимиз меросидан халқимиз, жумладан, ёшларимизнинг ҳам баҳраманд бўлишига, уларнинг мана шундай маънавий муҳитда камол топишига, бобокалонларимизнинг асарларига сингдирилган юксак инсонпарварлик фалсафаси, буюк гоёлари ёш авлод юрагидан ҳам жой олишига кенг шароит яратилмоқда. Бу йил ҳам юртимизда бир қатор буюк аждоғларимиз таваллуд кунларини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриляётгани бу борадаги хайри ва савобли ишлар изчил давом этаётганидан аққол далолатидир.

Наврўз — биз учун ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат рамзидир. Ана шундай ёруғ кунлар кишини ўз яқинлари, маҳалла-қўй, қўй-қўшни, элу юрт билан баҳамжихат, меҳр-оқибатли бўлиб яшашга даъват этиши билан ҳам беҳад қадридлир.

Конимехда янги завод

Наврўз байрами арафасида Конимех тумани марказида Хитойнинг «Ван фен» фирмаси технологияси асосида полипропилен халталар ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди.

«Матлубот савдо» ҳиссдорлик жамияти раиси Муродхон Эгамқуловнинг айтишича, заводда йилга 12 миллион дона турли сифмдаги халталар тайёрланади. У «Навойазот», «Қизилқуммента», «Навойдонмахсулотлари» каби йирик корхоналар эҳтиёжини тўлиқ қондира олади.

А.ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Байрам лавҳалари

Баҳорни янгилашиш, уйғониш фасли, деймиз. Дарҳақиқат шундай. Фасллар келинчаги юртимизга нафақат мусоффоликни, шодлик сурурни, бири-бирдан улуг айёмларни олиб келади. Бундай байрамлардан энг олдида эса Наврўзи олам туради. Зеро, у халқимизнинг минг-миг йиллардан буён интизорлик ила қарши оладиган кутлуғ тантинаси. Наврўзи олам ўз номи билан янги ифори, тароватни бошлаб келади. Бу тантанада бошқа байрамлардан фарқли ўлароқ, кишиларда меҳр-оқибат, самимийлик хислатлари ўзгача намён бўлади. Бундай дамларда аразлашганлар ярашади, низоли диллар гина-кудуратни унутади, етим-есирлар ҳолидан, беморлар аҳолидан огоҳ бўлинади. Наврўз таомлари бўлмиш сумала-гу ҳалим, кўк сомсаю-патирлар пиширилиб, бошқаларга ҳам улашилади.

Мана бу йил ҳам юртимизда байрам тантаналарига ўзгача тайёргарлик кўрилди. Нафақат пойтахтимизда, балки вилоят ва туман марказларида ҳам айни пайтда Наврўз шодиёналари давом этмоқда. Қўни кеча бошланган ушбу айёмнинг нафаси, ифори ҳали-бери кўнгилларимизни тарк этмаслиги аниқ. Шарқ халқлари учун аслида янги йил саналуви ушбу айёмни йил бўйи интиқлик билан кутамиз. У кеча далаларда ризқ-рузининг куртаклари барқ уради, дарахтлар кўкариб, чор-атроф гўзалликка бурканади. Бободехқон яхши ниятлар ила ерта уруғ қалайди.

Бу байрам ўзга айёмлардан фарқ қилган ҳолда ҳафталаб, оялаб давом этади. Байрамнинг асосий тадбирлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуи атрофида бошланди. Баҳор айёмини, Янги кунни ифодаловчи паннолар, турли леңга ва гуллар пойтахт кўркига кўрк қўшган. Ҳар ёнда Наврўз таомлари-сумалак ва ҳалимлар қайнамоқда. Кўк сомсаларнинг димоғни қўтқилдовчи ҳиди чор-атрофини тутган. Нафосат байрамини шу ерда кутиб олишга келган кишилар юзида табасеум.

Обод маҳалла йили муносабати билан бу янглиғ юксак фазилатларни мукаммал эгаллаш баробарида, кам таъминланган оилалар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, етим-есир, бева-бечоралар, муҳтож кишиларга меҳрибонлик, саховат ва муруват кўрсатиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мана шундай шуқудли дамларда ҳар бир инсон табиатдан баҳра олишга интилади. Ўз навбатда, Наврўз кунларида юртни ободонлаштириш ва кўкамзорлаштиришга бел боғлаш каби барҳаёт қадриятлар халқимиз томонидан асрлар оша эъзозлаб келинаётган.

Биргина мисол. Вазирлар Маҳкамасининг аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришга доир кўккамчи ишларни ташкил этиш ва Наврўз умумхалқ байрамини нишонлашга тайёргарлик кўришга қаратилган Фармойишига мувофиқ 15 март кунини юртимиз бўйлаб ўтказилган хайрия ҳашарида 10 миллиондан ортқ ҳамюртимиз иштирок этди. Шу кунини 321 минг гектардан кўпроқ майдон ободон-

лаштирилди. Минглаб тул манзарали, мевали дарахт ва гул қўчатлари ўтқазилди. Ариқ, зовур ва бошқа сув йўллари тозаланди.

Байрам бадий дастурларида халқимизнинг бундай эзгу анъаналари, ватандошларимизга хос ва мос гўзал фазилатлар, маҳаллардаги ободончилик ва тинчлик-тотувлик, миллий урф-одатлар ва қадриятлар юксак пардаларда тараннум этилди.

Улкан мониторда Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг барча худудларида амалга оширилган кенг қўламли яратувчилик ишлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг обод манзаралари ёрқин лавҳаларда намён бўлади. Бутун юртимизнинг мафтункор, гўзал табиати, долазори гулзорлари жамолидан кўзлар қувонади. Қорақал-

поғистон Республикаси ва вилоятлардан келган бадий жамоалар бирин-кетин ўз санъатларини, ҳар бир худуднинг ўзига хос халқ уйилларини, қўшиқ ва рақсларини намойиш этадилар.

Бахшилар айтишувлари, аскиячилар пайриви, дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонлар санъати ва спорт мусобақалари уйғунлашган улкан театр томошаларида миллий қадриятларимиз, қадимий удумларимиз янада жозибалироқ, янада теранроқ мазмун ва моҳият касб этади. Азалий анъана ва урф-одатларимиз Наврўз билан нечоғли чамбарчас эканлиги бадий лавҳаларда яна бир бор кўз-кўз этилади.

Айтиш жоизки, ана шу сахна кўринишлари тимсолида маданий ҳаётимиз-



даги муҳим воқеалар — «Шарқ тароналари», «Бойсун баҳори» халқаро фестиваллари каби тадбирларни ташкил этишга қаратиляган эътибор ўз ифодасини топган.

Миллий эстрадамиз юлдузларининг чиқишлари байрам тантаналарига янада кўтаринкилик баҳш этади. Эстрада жанрида ижод қилаётган санъат усталари қатори истеъодли ёш ижрочилар, Республика қўшиқ байрами кўрик-танловлари ғолибларининг, «Шоҳ» мукофоти совриндорларининг мумтоз санъатимиз оҳанглирига уйғунлашган замонавий куй-қўшиқларида аждоғларимизнинг барҳаёт мусиқа мероси ва қўшиқчилиги анъаналарига салоқати намён бўлади. Ватан меҳри, баҳор, бахт, ҳаёт васфи, ёшлик ва муҳаббат

туйғулари тараннум этилган жозибали оҳанглар мухлисларни мафтун ва масрур этади.

Кўккам навалари мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллатлар миллий маданият марказларининг байрам дастурларида янада теранроқ мазмун-моҳият касб этади. Зеро, Наврўз дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам ўзига хос шодиёнаси...

Наврўз — юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги тимсоли. Шу маънода, ушбу айём дунёнинг ўнлаб давлатларидаги Ўзбекистон элчихоналари, ваколатхоналарида ҳам кенг нишонланмоқда. Байрамга ташриф бурган юзлаб хоржилик меҳмонлар Наврўз таомларидан баҳраманд бўлиб, халқимизга хос миллий урф-одатлар билан танишаётган.



Машғулот музейда ўтказилмоқда

Азал-азалдан музейлар ўтмиш билан бугунни богловчи кўрик бўлиб келган. ЎзМУ профессори Маҳмудхон Нурматов яқинда хайрли ташаббус билан чиқди. Хукуматимиз олиб бораётган гоёлар билан йўғрилган «Маънавият асослари» фани дарслари музейларида ўтказиладиган бўлди. Бу ерда талабалар нафақат сабоқ оладилар, балки Теурийлар тарихи Давлат музейи, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Қатағон қурбонлари хотираси музейидан ўрин олган ҳар бир экспонат билан танишадилар.

Солиҳа АЛЛАЁРОВА, ЎзМУ талабаси.

ҲАЁТ ЯНГЛИГ ШИРИН, УМР КАБИ ЛАЗИЗ

шавққа тўлади. Айниқса, кўпкери, кураш мусобақалари авж олади бундай кезларда. Хўроз чўқиниришу, кўчорқор уриштиришларни гапириб ўтирмай. Хуллас, Наврўз ана шундай хушу хирсанглик тантанасидир. Лекин шундай бўлса-да, оилам билан Тошкентдаги айёмни томоша қилишга келиш ва бир олам таассуротлар оғушида уйга қайтмоқдамиз...

Биз, шунингдек, Сайилгоҳ кўчасида байрам кайфиятида юрган бир қанча ҳамшаҳарлар ва меҳмонлар билан мулоқотда бўлдик. Уларнинг барчаси шодон, хушчақчақ. Кўчанинги икки томонидан жой олган карнай-сурнайлар эл-улусни уйин-қулуга чорлайди. Одамлар сағдиға одамлар келиб қўшилмоқда. Энг муҳими, шаҳарнинг мана-ман деган пазандалари-у, қандолатчилари мана шу ерда, мана шу айём чоғида маҳоратларини ишга солиб, одамларни дастурхонга таклиф этмоқдалар.

Юртимизнинг ҳамма гўшаларида бўлгани каби пойтахтимиздаги Мир-

зо Улугбек номидаги богдан ҳам байрам тантаналари авж олади. Бир томонда азиз болажонларимиз кўнгилочар уйилар билан банд. Хонанда-ю раққосалар, қизиқчи-ю аскиячилар, масхарабоз дорбозлар санъат ишқибозлари хизматда.

— Пойтахтимизнинг ўзгариб кетганини эшитиб юрардим-у, бунчалик гўзаллашиб кетганини билмагандим, — дейди биз билан суҳбатда Наманган ви-

лояти Мингбулоқ туманидан байрамга келган Абдухўр Раҳимов. — Осмонлар бинолар, замонавий кўприклар, бири-бирдан гўзал фавворалар, чиройда беллашаётган боглар хибонлар, кенг ва шинам кўчалар... Ўзим тўрт йил Тошкентнинг ноини еганман — Низомий номидаги университетда ўқиганман. Уқиган илм даргоҳим, турган жойимни тополмасдан анча овора бўлдим. Барака топиш-

син-э! Энди мана бу байрамларни қаран! Обод, озод юртва узукка кўз қўйгандай ярашиб турибди. Бунчалигини билганимда оиламни, ошнларимни бошлаб келардим: «Кўринлар, фахрлангилар, мана қилинлар!» дердим. Мана шундай бунёдкорлик ишларининг бошида турганлар омон бўлишини. Юртимизнинг ҳар кунини яшаш, янариш — Наврўз бўлсин!

Амур Теуир хибониде ёши етмишларга богдан, юзида нур, лабида табасеум уйлаб турган отахон диққатимизни торти.

— Айёмларингиз муборак бўлсин, отахон! — Раҳмат. Ўзларингиз ҳам Наврўз қуллуқ бўлсин! Наврўзини кўрайин деб атай Фарғонанинг Бағдолодан келдим. Отим — Олимжон. Фамилиям Усмонов. Сизлардай мухбирлар билан гаплашганда отини айтиб қўйиш керак-да, тўғрими? — отахон кулмисиради.

— Тўғри, — дедик у кишининг самимийлигидан хурсанд бўлиб. —



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Кўрдингизми Наврўзини? — сўрадик сўнг. — Қаёқда! — отахон давом этди. — Жамикни богларимизда, майдонларимизда, хибонларимизда, боринг-ки, ҳамма жойда байрам. Қайси бирини кўраман? Илгари телевизорда кўрардим, э, асли бошқача буларкан. «Ўзбекистондаги байрамни кўрдим...»

— Ўзбекистон миллий боғидаги... — Ҳа, ўша ердаги. Жуда бошлашибди. Бутун бошли тарихимизни, алломаларимизни, урфу одатларимизни — қанчалик улуг халқ эканлигимизни тарихга ёздиган қилиб кўрсатиб қўйишди. Барака топишсин.

— Энди йўл бўлсин, отахон! — Мустақиллик майдонига кетяпман, у ердаги байрамни ҳам кўрайин.

— Оқ йўл берсин, отахон, байрамлар яхши ўтин.

— Шошманглар! — суҳбатдошимиз ортга қайтди. — Ҳозир мен айтан гапларни газеталарингизда ёзасизларми?

— Езамиз. — Унда битта таклифим бор эди, — отахон соқолини силади. — Билмадим, сизларга маълуқ бўлармикан? Ҳали айтдим-у, тарихий байрам бўпти, деб. Аммо одам ҳаммасини кўргани улғиролмас экан. Бирин-бирин, режа билан намойиш этишса, айланб юриб кўрардик. Ҳаммасидан ҳаммамиз баҳраманд бўлардик. Буям бир таклифда эди. Майли байрамларнинг байрамларга уланаверсин! Шодлик, қувонч, уйин-қулги билан бошланган Наврўзимиз юртимизга тўкин-сочинлик олиб келисин!

— Ҳар йили баҳор келиши билан шу улуг наврўзимизни элимизда қандай ўтказишни уйлаб бошлайман, — дейди Чироқчи туманидаги «Хитойсой» фермер хўжалиғи раҳбари Тирқаш Сафаров. — Бу кунда каттаю-кичик, ёшланг борки, ташвишлар-

деди давлатимиз раҳбари. — Ана шу эскилик сарқитларига барҳам берилган, янгича дунёқарашга эга, фаол ва фидойи ёшлар ҳаётга тезроқ кириб келмоғи лозим.

Албатта, масъулиятли жойларда фаолият кўрсатар экан, дастлабки даврда ёш муассасисларнинг тажрибасизликлдан муайян қийинчиликларга дуч келиши, табиий. Аммо фарзандларимиз ҳозирда-ноқ ишда, амалда тажриба орттириб бормаса, кейин қачон, қаердан ўрганади? Шундай экан, янги авлод ҳаётда тезроқ ўз ўрнини эгаллаши, масъулиятни дадил ўз зиммасига олмоғи керак.

Тошкентдаги Наврўз шодиёналари сунъий йўлдош воситасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари телеканаллари орқали намойиш этилди.

Пойтахтимизда бошланган байрам тантаналари юртимиз шаҳар ва қишлоқларида давом этмоқда.

Фулом МИРЗО, Ўза шарҳловчиси. СУРАТЛАРДА: тантанадан лавҳалар.

Абдувоҳид Тўраев ва Муҳаммад АМИН олган суратлар.

Максуд ЖОНИХОНОВ, Санд АНВАР, Худойберди ЭШМОнов, «Халқ сўзи» мухбирлари.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ

«УМИД»

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ



«УМИД – Н.И.»

ХУСУСИЙ БОЛАЛАР СПОРТ КЛУБИ

**Барча юртдошларимизни
ёшариш фасли – Наврўзи олам
билан самимий муборакбод
этади!**

**Келажак орзуси ила
яшаётган Сиз азизларга
хушқайфият тилайди.**



Мустақиллик меваси бўлмиш «Умид» фермер хўжалиги бевосита вилоят ва туман ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Деҳқон фермер хўжаликлари уюшмаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг кўллаб-қувватлаши, «Пахтабанк» кўмаги туфайли хусусий мулкимиз бўлган «Кичик сут заводи»да хорижнинг замонавий технологияси асосида қадокланиб, ишлаб чиқарилаётган қулупнайли, бананли, ўрикли ва ананасли йогуртларни, қаймоқ, сметана, сариеғ, сут, қатик, бринза, творог ҳамда «Умид» пишлоғини сиз азизларга таклиф этади.



Шунингдек, қандолатчилик, макарон маҳсулотлари, музқаймоқ ва далаларимизда етиштирилган турли хилдаги деҳқончилик, чорвачилик маҳсулотларидан баҳраманд бўлишингизни сўрайди.

*«Умид» фермер хўжалиги ҳамда
«Умид – Н.И.» хусусий болалар
спорт клуби*

*Ўзбекистонимиз деҳқон-фермерларини,
тадбиркорларини ҳуқуқийликнинг
кўрсатаётган бир яхшиликка минг
яхшилик билан жавоб
қайтарингизга горлайди!*



Навбахор тухфаси



Муҳаббат изҳорлари

(Муҳиддин қизиқнинг Наврўз ҳангомаларидан)

Наврўз айёми Деновда ҳам ўз гўзаллигини кўз-кўз қилмоқда. Жойларда қатор иншоотларнинг қурилиб фойдаланишга топширилгани эса байрамларга янги раҳ, янгича жилдо бахш этмоқда.

Халол меҳнати билан элга танилган Абдор Жураев Абдурахмон Жомий номидаги маҳаллада суратхона, сартарошхона, бичиштиқис, этикдўзлик устаконалари ва дам олиш хоналарининг ўзида жамул жам қилган гузар совага қилди.

— Бу гузар қишлоғимиз чиройна-чирой қўши, — дейди маҳалла оқсоқоли Муҳаммад Али Курбанов. — Энг қувончлиги янгидам 90 та ишни очилиб, ёшларимиз ишли бўлди.

Деновликлар Ҳожи бобо деб улуғлайдиган Амри Назруллаев эса «Афросиёб» хусусий корхонаси маблага ҳисобидан шаҳарнинг қоқ марказига «Бахт уйи» қуриб берди. Энди ёшларимиз мазкур кошонанинг ўзида сова-саломлар ҳарид қилишлари, висол бозорларини ўтказишлари мумкин.

Айни кутлуг айём арафасида шифокор Турму Муминовнинг 100 ўринли муҳташам сирхатдоҳи ҳам деновликларга беминнат хизмат кўрсатишни бошлади.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Кораянтоқ ва Япони қишлоқлари Қирғизистон Республикаси Қадамжой тумани билан чегарадош. Кораянтоқда 1211, Японияда 818, жами 2029 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг барчаси қирғиз миллатига мансуб бўлиб, Фарғона тумани марказидан 18-20 км узоқда яшайди.

Утган йилнинг охирида USAID компанияси, яъни Ҳамжамият тинчлик ташаббуслари лойиҳаси доирасида АКШ халқаро ривожланиш агентлиги қишлоқ врачлик шохобчасини қуришга ҳомийлик қилиб, 32 миллион сўм маблағ ажратган эди. Туман ҳокимлиги буни қўллаб-қувватлаб катта маблағ билан ёрдам кўрсатди. Кораянтоқликлар ҳам бу хайрли тadbирга 1 миллион 740 минг сўм туллаб беришди. Қосимжон Мамажонов раис бўлган Х.Турсунқулов номли ширкат ҳўжалигининг катта-кичиги ҳамда техникалари қурилиш майдонидан чиқмади. Хуллас, юқори Водил ўрамини Қораянтоқ қишлоғи аҳолиси учун бу йилги Наврўз қўшалок байрам бўлди. Байрам арафасида қишлоқ врачлик шохобчаси фойдаланишга топширилди.

USAIDнинг лойиҳа директори Джон Стрикланд, унинг Ўзбекистондаги вакиллари Одилжон Худойбергандов, Бахтиёржон Эргашевлар ташкилотчилиги, «Жавлонбек» кичик корхонаси қурувчиларининг фидойилиги тўғрисида муҳташам кошона — 50 ўринли саломатлик маскани 105 иш кунини барпо этилди.

Қишлоқ врачлик биносининг очилиш маросими катта шодиёнага айланди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи Ҳ.Ҳожираҳматова, USAIDнинг «Меҳрибонлик» корпуси вакили Ник Макденол, туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бошлиғи, Ўзбекистон Олий Мажлисининг депутати Мамарўзи Мамажоновлар сўзга чиқиб, ўз қувончларини баён этишди. Фаол ташкилотчилар ва қурувчиларга савгалар топширилди.

Сойбўйи қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамадаги Арча қишлоғида яшовчилар ҳам Япония элчихонасининг давлат грантини қўлга киритишлари эвазига катта таз тармоғидан уланган қувурлар орқали «зангори олов»дан тўла баҳраманд бўлиди.

Шунингдек, Наврўз байрамининг шуқўли кунларида Миндонободаги қишлоқ врачлик маскани, Дамқўл қишлоқ фуқаролар йиғинидаги савдо шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Собир ДАДАҲУЖАЕВ.

Наврўзни уйғониш фасли дейишади. Тўппа-тўғри. Гуллар, қўшлар, ҳайвонлар уйғонади. Муҳаббат бозорлари, изҳорлари бошланади. Бизда кўпроқ йиғитлар изҳори-дил қилишади, қизлар уни хоҳлаша қабул қилишади, хоҳлашмаса йўқ. Йиғит тангал бўлса, «Палон-чихон, мен сизни севиб қолдим, рози бўлсангиз турмуш курсак», деб гапнинг бўлишини айтиб кўя қолади. Сал мужмалроқ бўлса, қизни учрашувга чақириб олади-да, ярим соат халқаро, бир соат оилавий аҳволдан гапириб бўлуси жуфтнинг қулоқ-миясини еб ташлайди. Уятчанг бўлса-чи? Кўкрагини ерга бериб олиб, яқин олти қулоқ хат ёзади ва

қукадан бериб юборади. Бу ёшларнинг севгиси-ю, муҳаббат изҳорлари. Энди табаррук отахонларимиз билан момоларимиз муҳаббатларини қандай изҳор қилишади, ҳеч ўйлаб кўрганмизми? Учрашувга таклиф қилиб, оппоқ соқолларини сел-килатиб гул кўтариб юришса бўлмайди. Хат ёзиб бериб юборай деса уқаси ҳам олти-мишга кирган чол. Улар «товарайирбош чол» орқали ўз севиғиларини ошқор қилишар экан. Ростки.

Еш боламан. Мана шунақа авжи Наврўз. Кампири ўлгандан кейин Раззоқ бува эшити олдидаги супачада ўтиришни одат қилиб олди. Бир кунги ўйнаб юрсам чақириб қолдилар.

— Дарवेशалининг ўғлими-сан? Катта йиғит бўлиб қолди-сан-ку. — деди бува елкамга қўқиб. Сўнг атрофга бир аланглаб олиб давом этдилар. — Ҳов, паст маҳалладаги Лоҳила холанинг уйини биласанми?

— Ҳалиги, қурт сотадиганими? — сўрадим секин. — Ҳа-а, баракалла! — бува хурсанд бўлиб уйига етаклади. Чўнтакларимни ёнғоққа тўлдирди. Сўнг қўлимга халта тутқазди. — Шуни холангга бериб келсан. Олдида ҳеч ким бўлмаса мен бериб юборганимни айтсан, хўпми?

Халтани кўтариб Лоҳила холанингкига бордим. Кўрпа қавиб ўтиришган экан, анграйиб менга қарадилар.

— Ҳов, Раззоқ бува бор-у, хотини ўлиб қолган, ўша бериб юборди, — деб унга тушунтирган бўлдим.

Холанинг юзига табассум югурди. Жилмайиб қўлимдан халтани олди.

— Шоймай тур, болам, — деб бошимни силаб уларига кириб кетдилар. Халтани бўшаптиб, қўлида иккита сап-сарик олма билан қайтиб чиқди. Олма-ларни менга узатиб, марвартакка осилган сузмани халтага солди. — Бувангга олиб бориб бер-

гин. Қаймоғини куйдириб қўйган экан, дегин.

Халтанинг бўш эмаслигини кўриб, Раззоқ буванинг қоғоқлари осилиб кетди. Ер остидан савол назари билан менга қарадилар.

— Сузма, бу сузма. Холам бериб юбордилар. Қаймоқларини куйдириб қўйишган экан... — дедим шовша-пиша. — Яна-чи, бува, — қўлимдаги олмага ишора қилдим. — Холанинг олмаси ҳам бор экан.

Мақтов бувага ёқдим, қулмисиради.

Раззоқ бува билан Лоҳила хола ўртасидаги «ёшималар» шундан бошланди. Почтачи ўзим: буванинг «номаси» — ёнғоқни кўтариб у ёққа бораман, холанинг «жавоб хати» — сузма ёки қаймоқни кўтариб бу ёққа келаман. Албатта икки томон ҳам қўруқ қўймайди.

— Бувангнинг ёнғоғи кўпми? — сўраб қолди Лоҳила хола навоштаги «нома»ни олиб борганимда.

— Ҳа, — дедим баралла. — Иккита ёнғоғи бор. Роса катта. Бир ҳафта ўтдимки ёки ўн кун Раззоқ бува жойида кўринмай қолди. Бориб секин эшикларидан мўраласам, Лоҳила хола қовлисида кир ювиб ўтирибди. Раззоқ бува чаман бўлиб гуллаган бодом остида, ёнбошлаб олиб чой ичяпти!

— Ке, ке, келавер, — буванинг кўзи менга тушиб, ўмганини кўтарди.

Хола қўлини артиб, менга пешвоз чиқди.

— Мана, — бува қулмисираб қўли билан ишора қилди, — олмаси бор холангни олиб келиб олди.

— Ҳе, алжирамай кетинг, — хола бувага қўл силтаб, менга юзланди. — Буванинг ёнғоғи иккита дегандинг, битта экан-ку?

Нима деб жавоб беришимни билмай бувага мўлтиллаб қардим.

У киши хо-холаб қулди ва деди:

— Битта ёнғоғни ҳам яхшилаб парвариш қилсангиз иккита ёнғоқнинг ҳосилини бераверайди, хола, дегин.

Бува ўзининг гапидан ўзи наъша қилиб узок қулди.

Мана сизга табаррук отахонларимиз ва онахонларимизнинг севиғилари-ю, муҳаббат изҳорлари.

С. АНВАР тайёрлади.

Саёҳатга чорлашди

Берлиннинг «Мессе Берлин» кўргазмалар мажмуасида «ГТВ-2003» сайёҳлик биржаси бўлиб ўтди. Унда жаҳондаги 180 мамлакатнинг ўн мингдан зиёд фирма ва компаниялари иштирок этди.

Ушбу нуфузли анжуманда мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ориент вояж», «Сайрам туризм», «Ситора групп», «Планета тур», «Узинтур» ва «Экспресс тур» фирмалари ҳамда «Шератон-Тошкент», «Отель-Тошкент», «Шодлик-Палас» каби меҳмонхоналар томонидан намойиш этилди.

Юртимиз вакиллари-нинг миллий услубда безатилган сайёҳлик расталари Ўзбекистоннинг тарихий обидалари, маданий мероси, диққатга сазовор жойлари, соҳанинг экологик ва тоғ сайёҳлиги каби янги йўналишлари хусусида батафсил ахборот беради.

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЖСТ) Бош котоби Франческо Франджали Ўзбекистон бўлимини томоша қилар экан, мамлакатимиз билан сайёҳлик соҳасидаги сермахсул ҳамкорлик натижаларидан мамнун эканини билдирди.

Аслам АКБАРОВ, «Жаҳон» АА, Берлин.

«ЖАРҚҮРҒОН» УЛГҲРЖИ ЧАКАНА МАТЛУБОТСАВДО ҲИССАДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

Жамоаси мамлакатимиз фуқароларини Наврўз айёми билан қизинг табриклайди.

Бир-бирига холис хизмат, самимий муносабат аҳилликни мустаҳкамлайди.

Наврўз руҳи эзу орзуларимизга қанот, аҳиллигимизга қувват ато этаверсин.

Юртдашларимизнинг Ватан равақи йўлидаги ишларига қамарбасталик Наврўз улашайтган хуш қайфиятларимизни янада ойдинлаштиради.




NESTLÉ UZBEKISTAN LLC

сизни баҳор ва гўзаллик байрами —

Наврўз

билан табриклайди ва сизга сяхат-саломатлик, бахт тилайди.



Хиндистоннинг МДХдаги савдо-саноат палатаси
Ўзбекистон Республикаси Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси билан ҳамкорликда

2003 йил 24-26 март кунлари «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг Биллур залида

ХИНДИСТОННИНГ САВДО КЎРГАЗМАСИНИ ЎТҚАЗАДИ.

Кўргазма 24 март кунни соат 11.00да очилади.
Кўргазма 25-26 март кунлари соат 10.00дан 17.00гача ишлайди.

КўРГАЗМАГА ҚўЙИЛАТИАР НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ:

фармацевтика ва машинасозлик саноати маҳсулотлари, заргарлик буюмлари, информацион технологиялар, халқ хунармандчилиги буюмлари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, маиший техника ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари (чай, кофе, зираворлар).

Барчани кўргазмага таклиф этамиз!

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди жамоаси суд амалийини умумлаштириш бўлими бошлиғи Зокир Исмаилов ва палатани раҳматуллада отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фойдаланиш миллий банки жамоаси чакана банк кредитлари мониторингини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи Сўрат Зокирова волидан муҳтарамаси.
Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти жамоаси илмий муҳаррир Иброҳим Каримовга волидаси	Мавжуда ЗОКИРОВАнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.
Онабиби КАРИМОВАнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдарлик билдиради.	«Ўзбекэнерго» Давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзэлектртрак» шўба корхонаси жамоаси Ўзбекистон энергетика тизимининг фахрийси
«Ўқитувчи» нашриёти жамоаси «Ўзбек тили, адабиёти ва педагогика» тахририятининг муҳаррири Суннатилла Хўжақмедова палари бузруквори	Раҳматуллада МЎМИНЖОНОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия изҳор этади.
Абдулаз ҲОЖИ ОТА ХЎЖАҚМЕДОВнинг вафоти этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.	

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Г. ПРОХОРЕНКО, Ш. РИЗАЕВ, А. САИДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТБОСАРОВ, О. ҚАЙБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ХАЙДАРОВ, Ҳ. ХОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92

Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65

Мазнавият ва маърифат — 136-35-60;

Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;

Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;

Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08

Котибият — 133-10-28;

Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 253, 34889 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ХАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ф. САНАЕВ. Навбатчи — С. ХАЙДАРОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Булок Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 19.50

1 2 3 4 5 6